УзССР Давлат китоб палатаси

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 177 (21. 044) 1991 йил 11 сентябрь, чоршанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

Ўзбекистон Компартияси

фавқулодда XXIII съезди

олдидан

ФАҚАТ ЯНГИЛАНГАН ПАРТИЯ БИЛАН

Фарғона. («Ўзбекистон овози» мухбиридан). Вилоят коммунистлари августнинг фожеали кунларида вазминлик, сабр-тоқат билан осойишталикни таъминлаш, давлат тўнтаришини амалга оширган кимсалар иғвосига учмаслик йўлини танладилар. Ўша кунлари Фарғонада фавқулодда ҳолат давлат комитети деб аталмиш ноқонуний ташкилотнинг бирорта ҳам қарори бажарилмади. Айтиш мумкинки, коммунистлар бу зўр синовдан шараф билан ўтдилар.

Вилоят партия ташкилотининг XXV конференциясида вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби Ғ. Фозиловнинг «Фарғона вилояти партия комитетлари ва ташкилотларининг Ўзбекистон Компартияси Ҳаракат дастурини бажариш юзасидан ташкилий сиёсий тадбирлар режасининг ижроси ҳақида» қилган маърузасида ҳам сўз асосан ҳозирги сиёсий вазиятга баҳо бериш ва қилинажак ишлар ҳақида борди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиби К. Ю. Юсупов қатнашди ва нутқ сўзлади. Конференцияда Ўзбекистон Компартиясининг фавқулодда XXIII съездига делегатлар сайланди.

А. ИБОДИНОВ.

●

Агар партия тубдан ислоҳ қилинса, унинг келажаги бор. — Бухоро вилоят партия ташкилотининг 9 сентябрь куни бўлган навбатдан ташқари XXV партия конференцияси делегатларининг кўпчилиги шундай фикр билдирди. Унда Бухоро вилоят партия комитетининг биринчи котиби Д. Є. Ёдгоров маъруза қилди.

Делегатлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма пленуми тутган йўлни маъқулладилар ва қўллаб-қувватладилар. Мустақил сиёсий ташкилот бўлган Ўзбекистон Компартияси ўз аъзолари тақдири, республика истиқболи учун бутун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ва шундай қилиши керак.

Конференция Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги эълон қилинганини маъқуллади ва тўла қўллаб-қувватлади. Вилоят коммунистлари, бошланғич ташкилотлари аҳоли ўртасида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунни ва Олий Кенгашнинг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Баёнотини тушунтириш юзасидан оммавий-сиёсий ишларни, якка тартибдаги ишларни кенг авж олдиришлари кераклиги таъкидланди. Республика раҳбариятининг янги, тенг ҳуқуқли суверен давлатлар Иттифоқини тузиш борасидаги йўли қўллаб-қувватланди. Делегатлар Ўзбекистон Компартиясининг фавқулодда съезди ўзининг тарихий вазифасини бажаришига, Ўзбекистон Компартиясининг қонуний вориси бўлган янгиланган партияни тузишига қаттиқ ишонч билдирдилар.

Конференцияда Ўзбекистон Компартиясининг фавқулодда XXIII съездига делегатлар сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби А. Абдувосиқов нутқ сўзлади.

●

9 сентябрь куни Наманганда вилоят партия ташкилотининг навбатдан ташқари XIX конференцияси бўлди. Конференция қатнашчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссияси қўшма пленумининг якунларини ва вилоят партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Вилоят партия комитетининг биринчи котиби Б. Ж. Ҳакимов маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққан кишилар янги шароитда истиқомат жойларида тузилган партия ташкилотлари фаолиятини активлаштириш зарурлигини таъкидладилар. Айниқса ёшлар ўртасида иш олиб бориш, уларда миллий анъаналарга ҳурмат ҳиссини тарбиялаш, байналмилалчиликни ривожлантириш катта аҳамият касб этади.

Шунингдек, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, бозор муносабатларига ўтиш шароитида уларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишига кафолот беришга доир долзарб тадбирлар кўрилиши зарурлиги ҳам таъкидланди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартиясининг навбатдан ташқари XXIII съездига делегатлар сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби А. И. Икромов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

●

ЖИЗЗАХ. («Ўзбекистон овози» мухбиридан). Бу ерда вилоят партия ташкилотининг навбатдан ташқари VIII конференцияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ва Марказий назорат комиссиясининг яқинда бўлиб ўтган қўшма пленуми якунлари, пленумда қабул қилинган Баёнот ва вилоят партия ташкилотларининг вазифалари ҳақидаги масала муҳокама этилди. Бу ҳақда вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби Э. Т. Турсунов маъруза қилди.

Музокарада сўзга чиққан коммунистлар ҳозирги мураккаб сиёсий жараёнда республика Компартиясининг фаолиятини қайта қуриш, унинг обрў-эътиборини кўтариш, коммунистларнинг жумҳурият иқтисодини юксалтириш йўлидаги фаолиятини кучайтириш ҳақида гапирдилар.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси фавқулодда XXIII съездига делегатлар сайланди. Унинг ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссиясининг раиси С. Мамарасулов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Б. САТТОРОВ.

●

ГУЛИСТОН («Ўзбекистон овози» мухбиридан). Сирдарё вилояти коммунистларининг навбатдан ташқари XIV партия конференцияси кун тартибига «Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ва Марказий назорат комиссиясининг қўшма пленуми якунлари ҳамда вилоят партия ташкилоти вазифалари тўғрисида»ги масала киритилди. Вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби А. Айдарқулов маъруза қилди. Конференция «Компартияни тубдан янгилаш — давр талаби» шиори остида ўтди. Музокараларда сўзга чиққан нотиқлар август ойида марказда давлат тўнтариши ясашга ҳаракат қилган шахсларнинг хатти-ҳаракатларини қаттиқ қоралидилар. Ўзбекистон Компартиясининг обрўсини, жипслигини, мавқеини сақлаб қолиш ҳақида гапирдилар. Кўпчилик партияда чуқур ўзгартишлар ясаш лозимлигини таъкидлади. Конференция Ўзбекистон Компартиясининг фавқулодда XXIII съездига делегатлар сайлади. Унда республика Президентининг маслаҳатчиси Т. А. Алимов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

А. УМАРОВ.

ТЕНГЛАР ИЧИДА ТЕНГ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Инсоннинг эркинлиги, унинг шон-шарафи ва қадр-қиммати — жамиятимизнинг олий қадриятидир. Ҳар кимнинг меҳнат қилиш қобилияти ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариши, жамоат ва давлат турмушида фаол қатнашиши таъминланади. Ҳеч қандай гуруҳ, партия ёки давлат манфаатлари инсон манфаатларидан юқори қўйилиши мумкин эмас.

СССР халқ депутатлари Съезди демократия, инсонпарварлик, ижтимоий адолат умумий қоидаларига амал қилиб ва ўз тарихи сабоқларига асосланиб, ушбу Декларацияни қабул этади.

1-модда. Ҳар бир киши табиий, ажралмас, дахлсиз ҳуқуқларга ва эркинликларга эгадир. Улар инсон ҳуқуқлари умумий Декларациясига, инсон ҳуқуқлари ҳақидаги халқаро ҳужжатларга, бошқа халқаро меъёрларга ва ушбу Декларацияга мувофиқ келиши лозим бўлган қонунларда мустаҳкамлаб берилади.

Барча давлат идоралари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини олий ижтимоий қадриятлар, деб билиб, уларни таъминлашга ва муҳофаза қилишга мажбурдирлар.

Фуқаро томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа кишиларнинг ҳуқуқларига зид бўлмаслиги лозим.

Ҳар бир киши конституциядаги вазифаларини бажаради, жамиятнинг нормал ривожланиши учун шу вазифалар бажарилиши зарур.

2-модда. Декларациянинг қоидалари бевосита амал қилади ва барча давлат идоралари, мансабдор шахслар, жамоат ташкилотлари, фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

Декларацияда мустаҳкамлаб берилган барча ҳуқуқ ва эркинликлар суд йўли билан ҳимоя қилиниши лозим.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Р. Ў. АҲМЕДОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ИШЛАРИ ВАЗИРИ — МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ҚЎМОНДОНИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Рустам Ўрмонович Аҳмедов Ўзбекистон Республикасининг мудофаа ишлари вазири — миллий гвардия қўмондони этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1991 йил 10 сентябрь.

Рустам Ўрмонович АҲМЕДОВ

1943 йилда Фарғона вилоятининг Бағдод районида туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий маълумотли, бронетанк қўшинлари ҳарбий академиясини битирган.

Ҳарбий билим юртини тугаллаганидан кейин СССР Қуролли Кучларининг турли қисмларида — танк взводи командиридан Тошкент вилояти фуқаро мудофааси бошлиғининг ўринбосари — штаб бошлиғигача бўлган лавозимларда хизмат қилди.

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Советининг депутати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЎРТОҚ А. МАҲМУДОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Анвар Маҳмудов Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо ва чет эллар билан алоқа давлат комитетининг раиси вазифаларидан озод қилиниб, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт комитетининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1991 йил 10 сентябрь.

Анвар МАҲМУДОВ



1945 йилда Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ районида туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий маълумотли, 1976 йилда Тошкент политехника олий илмгоҳини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1963 йилда Тошкент тепловоз депосида слесарликдан бошлаган.

1973 йилдан Тошкент шаҳридаги пластмасса буюмлари заводида катта муҳандис, технолог-муҳандис бўлиб ишлаган.

1976 йилдан партия ишига ўтган, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг котиби, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг инструктори, сектор мудири бўлган.

1981 йилдан халқ хўжалигида раҳбарлик лавозимларида ишлаган. «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Ўзбекистон Республикаси Госплани раисининг ўринбосари, «Алгоритм» заводининг директори, ташқи савдо ва чет эллар билан алоқа давлат комитетининг раиси бўлган.

«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган муҳандис» фахрий унвонига сазовор бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Э. Ж. БОҚИБОЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МОЛИЯ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Эркин Жўраевич Боқибоев Ўзбекистон Республикаси Давлат банки бошқарувининг раиси вазифаларидан озод қилиниб, Ўзбекистон Республикаси молия вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1991 йил 10 сентябрь.

Эркин Жўраевич БОҚИБОЕВ

1934 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий маълумотли, 1957 йилда Тошкент молия-иқтисодиёт олий илмгоҳини битирган.

Меҳнат фаолиятини Фарғона вилояти Давлат банки Яйпан ва Олтиариқ бўлимларининг кредит инспекторлигидан бошлаган.

Банк тизимининг турли лавозимларида ишлаган, Ўзбекистон Республикаси Давлат банки бошқарувининг раиси бўлган.

Ўзбекистон Республикасининг халқ депутати.

«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган иқтисодчи» фахрий унвонига сазовор бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Ў. Т. СУЛТОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ САВДО ВА ЧЕТ ЭЛЛАР БИЛАН АЛОҚА ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Ўткир Тўхтамуротович Султонов Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо ва чет эллар билан алоқа давлат комитетининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1991 йил 10 сентябрь.

Ўткир Тўхтамуротович СУЛТОНОВ

1939 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий маълумотли, 1964 йилда Томск политехника олий илмгоҳини тамомлаган, меҳнат фаолиятини Тошкент шаҳридаги 116-почта қутисининг электриклигидан бошлаган.

1966 йилдан 1985 йилгача В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида турли лавозимларда ишлаган. Оддий муҳандисликдан шу бирлашма бош директорининг ўринбосарлигигача кўтарилган.

1985 йилда Ўзбекистон Республикасининг йирик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларидан бири — «Восток» ИИБга бошчилик қилган.

«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган муҳандис» фахрий унвонига сазовор бўлган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ РАИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати **қарор қилади:**

1. Ўртоқ Эркин Жўраевич Боқибоев бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Давлат банки бошқарувининг раиси вазифасидан озод қилиниб, Ўртоқ Файзулла Мақсуджонович Муллажоновнинг ушбу вазифани бажаришига рухсат берилсин.

2. Э. Ж. Боқибоев ва Ф. М. Муллажонов ўртоқлар ҳақидаги масалалар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. НУЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри, 1991 йил 9 сентябрь.

Файзулла Мақсуджонович МУЛЛАЖОНОВ

1950 йилда Сирдарё вилоятининг Ворошилов районида туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий маълумотли, 1975 йилда Тошкент халқ хўжалиги олий илмгоҳини битирган.

Меҳнат фаолиятини Давлат банки Сирдарё бўлимининг кредит инспектори лавозимидан бошлаган.

Банк тизимининг турли лавозимларида ишлаган, Ўзбекистон Республикаси Давлат банки Сирдарё вилоят бошқарувининг бошлиғи бўлган.

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Советининг депутати.

Москва анжумани очилди

МОСКВА, 10 сентябрь. ТАССнинг дипломатия мухбирлари Союзлар уйининг Колоннали залидан хабар қиладилар:

Кичик бир одам ўзини исканжага олган кишанларни зўр куч сарфлаб парчалаб ташламоқда. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг инсоний мезонга бағишланган конференциясининг бугун Москвада очилган учинчи кенгашига мана шу оддий ва ҳаммага тушунарли тимсол танлаб олинган. Мажозий тимсолнинг яна бир ўринли жойи шуки, атиги бир неча ҳафта муқаддам москваликлар, Россия, мамлакат демократ кучлари исёнчиларнинг халқ бўйнига тоталитаризм занжирларини солиш йўлидаги уриниши мағлубиятга маҳкум эканини ўзларига ва бутун дунёга исботладилар. Айни инсоний мезон, озодлик ва демократия йўлини очиб бораётган миллатнинг салоҳияти ўз кучини кўрсатганлиги учун ҳам реакция ниятига етолмади. Дунёдаги кўпгина мамлакатларнинг расмий доиралари, жамоатчилиги исёнчиларни қоралаб, СССР Президентини, Россия раҳбариятини, мамлакатимиздаги демократик доираларни қўллаб-қувватлаганлиги ҳам бу ишда катта аҳамиятга эга бўлди. Москва сўзда эмас, балки амалда мазкур анжуманни муносиб равишда қабул этиб олаётганини исботлади. Тез ўзгариб бораётган дунёмизда инсон ҳуқуқлари шу анжуманнинг диққат марказида бўлади.

Союзлар уйининг Колоннали залида Европадаги 33 та давлатнинг, шунингдек, АҚШ ва Канаданинг ташқи ишлар вазирлари бошчилигидаги делегациялари йиғилдилар.

Мажлисда раислик қилувчи СССР ташқи ишлар вазири Борис Панкин кенгашни очиқ деб эълон қилди.

СССР Президенти Михаил Горбачев анжуман қатнашчиларини табриклаб нутқ сўзлади.

БИР ЖУМЛАДА

МАМЛАКАТИМИЗДА

● СССР Мудофаа вазири авиация маршали Е. И. Шапошников СССР Президенти М. С. Горбачев ва РСФСР Президенти Б. Н. Ельцин билан маслаҳатлашиб олганидан кейин шу йил 7 ноябрь куни Москвада ҳарбий парад ўтказмасликка қарор қилди. Иттифоқ Мудофаа вазирлигида ҳисоблашларича вужудга келган сиёсий ва иқтисодий вазиятда Октябрнинг навбатдаги санасини кўп миқдордаги ҳарбий техника иштирокида нишонлаш мақсадга мувофиқ эмас.

● РСФСР Олий Кенгаши Раёсатининг қарорига биноан Ленинград шаҳрига Санкт-Петербург номи қайтариб берилди. РСФСР Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Р. И. Хасбулатов шу ҳақдаги фармонга имзо чекди.

● Тожикистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Бу ҳақда жумҳурият парламенти анжуманида хабар берилди. Парламент 9 сентябрни ишламайдиган байрам куни деб эълон қилиш ҳақида қарор қабул этди.

● Озарбайжонда биринчи бевосита умумхалқ сайловида республика президенти сайланди. Сайловда уч миллион 240 мингдан кўпроқ аҳоли қатнашди. Аёз Муталибов Озарбайжон президенти бўлди.

ХОРИЖДА

● Вашингтондан хабар қилишларича, АҚШ давлат котиби Ж. Бейкер чет эл сафарига чиқди. У сафар давомида Совет Иттифоқига ва Яқин Шарқдаги қатор мамлакатларга келади. Давлат котиби СССР Президенти М. С. Горбачев, Россия Президенти Б. Н. Ельцин билан, бошқа совет раҳбарлари билан музокаралар ўтказади.

● Куба ҳукумати Болтиқбўйидаги уч давлат — Эстония, Латвия ва Литва мустақиллигини ҳамда суверенитетини тан олишини билдирди. Мамлакат ташқи ишлар вазирлиги баёнотида шу хусусда гап боради.

● Белграддан ТАСС орқали олинган хабарга кўра Югославиядаги Македония Республикасининг аксарият аҳолиси Югославия суверен давлатларининг бўлажак иттифоқига кириш ҳуқуқи билан ўзини мустақил ва суверен, деб эълон қилиш фикрида эканини билдирди. Македония шаҳар ва қишлоқлари ўтказилган референдумининг дастлабки натижалари шуни тасдиқлайди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

3-модда. Барча фуқаролар миллий ёки ижтимоий насл-насабидан, тилидан, жинсидан, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан, динидан, яшаш жойидан, мулкий аҳволидан ёки бошқа ҳолатлардан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар ва қонуннинг ҳимояси-дан фойдаланиш учун тенг ҳуқуққа эгадирлар.

Ҳеч қандай шахслар, ижтимоий табақалар ва аҳоли гуруҳлари қонунга зид бўлган афзалликлардан ва имтиёзлардан фойдаланишлари мумкин эмас.

4-модда. Ҳар бир кишининг она тилидан фойдаланиш, она тилида таълим олиш, миллий маданиятни сақлаб қолиш ва ривожлантириш ҳуқуқи таъминланади. Ҳуқуқларни бевосита ёки бавосита чеклашга ёки ирқий ва миллий белгиларига қараб афзалликлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

5-модда. Ҳеч ким фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

Ўз давлатидан ташқарида бўлган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий ҳимоясига кафолат берилади.

6-модда. Ҳар бир киши сўз эркинлиги, фикрлари ва эътиқодларини бемалол ифодалаш ҳамда уларни оғзаки ёки ёзма тарзда тарқатиш ҳуқуқига эгадир. Оммавий ахборот воситалари эркиндирлар. Цензурага йўл қўйилмайди.

Мафкуравий, диний, маданий эркинликка кафолат берилади. Фуқароларга мажбур қилинадиган ҳеч қандай давлат мафкураси бўлмаслиги керак. Ҳеч ким ўз эътиқодлари учун таъқиб этилиши мумкин эмас.

7-модда. Виждон ва дин эркинлигига кафолат берилади. Ҳар бир киши ўз эътиқодларига мувофиқ ҳар қандай динга бемалол эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик, диний ёки дахрий қарашларни ёйиш, болаларга диний ёки дахрий тарбия ҳамда таълим бериш билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадир. Диний маросимларни бажариш эркинлигига кафолот берилади.

8-модда. Фуқаролар ССР Иттифоқи ва суверен давлатларнинг қонунларига биноан тинч ва қуролсиз йиғилиш, ўз ижтимоий фаоллигини митинглар, йиғилишлар, кўча юришлари ва намойишлари шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар.

9-модда. Фуқаролар сиёсий партияларга, касаба уюшмаларига ва бошқа жамоат ташкилотларига бирлашиш, оммавий ҳаракатларда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сиёсий партиялардаги, жамоат ташкилотларидаги, оммавий ҳаракатлардаги, шунингдек ваколатли ҳокимият идораларидаги оппозицион озчиликни ташкил этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қиммати қонун билан кафолатланади.

10-модда. Ҳар бир киши ўз қобилиятларига, касбкор тайёргарлигига мувофиқ давлат идоралари, муассасалари ва ташкилотларидаги ҳар қандай лавозимларни тенг асосда эгаллаш ҳуқуқига эгадирлар.

11-модда. Ҳар бир фуқаро яширин овоз бериш йўли билан умумий, тенг сайлов ҳуқуқи асосида ҳокимият идораларига бемалол сайлаш ва сайланиш, давлат ишларини ҳал этишда, шу жумладан референдум йўли билан бевосита қатнашиш ҳуқуқига эгадир.

12-модда. Ҳар бир киши давлат турмушининг, иқтисодий, ижтимоий ва халқаро турмушнинг барча соҳаларидаги ишларнинг аҳволи ҳақида, шунингдек ҳуқуқлар, қонуний манфаатлар ва мажбуриятлар масалалари юзасидан тўлиқ ва тўғри ахборот олиш ҳуқуқига эгадир.

Қонунларнинг ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир.

13-модда. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир кишининг дахлсиз ҳуқуқидир. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳаётдан маҳрум этилиши мумкин эмас.

Давлат инсоннинг ҳаётига, соғлиғига, шахсий эркинлигига ва хавфсизлигига ғайриқонуний тажовузлардан ҳимоя қилади.

14-модда. Ҳар бир киши ўз ор-номуси ва обрў-эътиборини муҳофаза қилиш, шахсий турмушига ҳар қандай ўзбошимчалик билан аралашишдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

15-модда. Шахснинг дахлсизлиги кафолатланади.

Ҳеч ким суднинг қарорисиз ва прокурорнинг рухсатисиз ҳибсга олиниши ёки қонунга хилоф равишда қамоқда сақланиши мумкин эмас. Фуқаро ҳибсга олинган ёки қамоқда сақланган тақдирда суд йўли билан текшириш ва мазкур хатти-ҳаракатлар хусусида шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

Ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилган ҳар бир киши унинг айби тегишли ҳуқуқий тартиб-қоида доирасида суд томонидан белгиланмагунча айбсиз ҳисобланади. Ҳимоя қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

16-модда. Ҳар бир киши ишнинг ваколатли, мустақил ва холис суд томонидан одилона ва ошкора текширилиши ҳуқуқига эгадир.

17-модда. Озодликдан маҳрум этилган барча кишилар инсоний муомала қилиниши ва ўз қадр-қиммати ҳурматланиши ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қиммати камситиладиган тарзда жазоланиши керак эмас.

18-модда. Турар жойнинг дахлсизлиги кафолатланади. Қонунда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари ва тартибга хилоф равишда, ҳеч ким турар жойга унда яшовчи шахсларнинг хоҳишига қарши кириш ва тинтув ёки текширув ўтказиш ҳуқуқига эга эмас.

19-модда. Ёзишмалар, телефон сўзлашувлари, телеграф хабарлари ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиш сир тутилиши кафолатланади.

Қонунда кўзда тутилган ҳолларда ва тартибдагина бу қоидаларидан истисноga йўл қўйилади.

20-модда. Никоҳ аёл билан эркакнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади. Оила, оналик ва болалик давлат ҳимоясида бўлади.

21-модда. Ҳар бир киши мамлакат ичида бемалол ҳаракат қилиш, истиқомат жойини ва турар жойини танлаш ҳуқуқига эгадир. Бу ҳуқуқни чеклаш фақат қонун билан белгиланиши мумкин.

Фуқаролар ўз мамлакатини тарк этиш ва унга қайтиб келиш ҳуқуқига эгадирлар, мамлакатдан сургун қилинишлари мумкин эмас.

22-модда. Ҳар бир киши мансабдор шахсларнинг, давлат идораларининг ва жамоат ташкилотларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари хусусида судга шикоят қилиш ҳуқуқига, шунингдек маънавий ва моддий зарарнинг ўрнини қоплатиб олиш ҳуқуқига эгадир.

23-модда. Ҳар бир киши меҳнат қилиш ва унинг натижаларидан фойдаланиш, шу жумладан унумли ва ижодий меҳнат учун ўз қобилиятларини тасарруф этиш имконияти ҳуқуқига, ишни эркин танлаш ва ишдан бошортиш, қулай меҳнат шароитлари, давлат томонидан кафолатланган меҳнат ҳақи минимуми ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Ҳар бир киши тенг меҳнати учун ҳеч бир камситувсиз тенг ҳақ олиш ҳуқуқига эгадир.

Меҳнаткашлар ўзларининг иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоа бўлиб музокаралар олиб бориш ҳуқуқига, шунингдек иш ташлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Мажбурий меҳнат қонун билан таъқиқланган.

24-модда. Ҳар бир киши мол-мулкли бўлиш ҳуқуқига, яъни якка тартибда, шунингдек бошқа шахслар билан биргаликда мол-мулкка эга бўлиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқига эгадир. Мерос олиш ҳуқуқи қонун билан кафолатланади. Мулкдор бўлиш дахлсиз ҳуқуқи шахс манфаатлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш кафолатидир.

25-модда. Ҳар бир киши етарли ва муносиб турмуш даражасига эга бўлиш, турмуш шароитларини яхшилаш, ижтимоий ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Дам олиш, қариганда, касал бўлганда ва меҳнат қобилиятини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда, фарзанд туғилганда ижтимоий таъминот ҳуқуқи кафолатланади.

26-модда. Ҳар бир киши таълим олиш ҳуқуқига эгадир. Бошланғич таълим мажбурийдир. Ҳунар таълими, ўрта махсус ва олий таълим ҳар бир кишининг қобилиятларига мувофиқ равишда ҳамма учун бемалол бўлиши керак. Давлат ўқув юртларида таълим олиш бепулдир.

27-модда. Ҳар бир киши давлат ёки жамоат уй-жой фонди уйларида, якка тартибда уй-жой қурилишида, шинам турар-жой олишда ва ундан доимий фойдаланишда давлатдан мадад олиш ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким қонунда белгиланган асосларга хилоф равишда турар-жойдан ўзбошимчалик билан маҳрум этилиши мумкин эмас.

28-модда. Ҳар бир киши соғлиғини муҳофаза қилиш, жумладан, давлат соғлиқни сақлаш муассасалари кенг тармоғидан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

29-модда. Инсон қулай атроф-муҳит ҳуқуқига ва экологияни бузиш оқибатида унинг соғлиғига ёки мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплатиб олиш ҳуқуқига эгадир.

30-модда. Ҳуқуқлар ва эркинликларни амалга оширганда давлат ва жамоат хавфсизлигига, жамоат тартибига, аҳолининг сиҳат-саломатлиги ва ахлоқийлигига, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга зиён етказувчи хатти-ҳаракатлар қилинмаслиги керак.

31-модда. Халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ушбу Декларацияда эълон қилинган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига зид келмаслиги лозим.

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЪЕЗДИ.

Москва, Кремль.
1991 йил. 5 сентябрь.

• *Долзарб мавзуда суҳбат*

ТОШЛОҚЛАР ТОРТИҒИ

Асов Қорадарё жиловланиб, изга солинганига ҳам йигирма йилдан ошди. Ўтган мана шу давр ичида дарё қолдирган чексиз тошлоқзор ерлардан минг гектардан ортиғи ўзлаштирилиб, боғ, узумзор ва экинзорларга айлантирилди. Ўзининг йигирма йиллик юбилейига ҳозирлик кўраётган мевачилик ва узумчиликка ихтисослаштирилган Дзержинский номли давлат хўжалиги боғбону соҳибкорлари ҳамон тошлоқ ерларни ўзлаштириш, янгидан боғ ва узумзорлар барпо этишдек хайрли ишларни амалга оширяптилар. Ҳар йили минг тонналаб шириншакар мева ва узум етиштириб, нафақат район, вилоят, республика, балки Россиянинг бир қатор шаҳарлари меҳнаткашлари дастурхонини ҳам безаётган хўжалик ишчилари «инсон қўли гул» деган нақлини амалда исботламоқдалар.

Давлат режаларининг муттасил ошириб бажарилаётганлиги хўжалик иқтисодиётини, ишчилар турмушини яхшиламоқда, энг муҳими, ободончилик ишларини кенг кўламда олиб бориш имкониятини яратмоқда. Ишчиларни тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш яхшиланмоқда. Давлат хўжалигининг тўртта бўлимида замонавий турар-жойлар, мактаб, боғча, клуб, ошхона, чойхона, савдо шохобчалари, маиший хизмат комплекслари қурилиб ишга туширилаётганлиги тошлоқ устида бунёдга келган қишлоқ жамолини кўркамлаштираяпти.

Кейинги бир-бир ярим йил ичида давлат хўжалигининг «Ўрмончи», «Прогресс», «Ёртибош» маҳаллалари кўчаларига шағал тўшалиб, асфальтланди. 1,5 километр масофага сув ўтказиш қувурлари ётқизилиб, хонадонларга тоза ичимлик суви келтирилди. Уй-жой солишга рухсати бор 150 оиланинг 60 дан зиёди ҳовли тўйлари ўтказишди. Айни кунларда 4,5 километр масофа ҳажмида газлаштириш, 422 ўринли янги мактаб, 90 ўринли болалар боғчаси қурилиши ишларига амалга оширилмоқда.

— Олдимиздаги бугунги долзарб вазифа, — дейди биз билан суҳбатда давлат хўжалиги директори, Андижон вилояти Қўрғонтепа район Совети депутати Равшанбек Сиддиқов, — тошлоқлар ўрнида қишлоқ, боғ ҳамда узумзорлар яратишдир. Шунинг учун ҳам ижтимоий масалаларга имкони борича кўпроқ маблағ ажратаяпмиз. Жумладан, ўтган йили шу мақсадга 200 минг сўм маблағ ажратдик. Ажратилган маблағларни тўла ўзлаштириш учун ҳаракат давом этаяпти. Маълумки, ҳозирги шароитда қурилиш материаллари, хусусан, ёғоч таъминотидаги етишмовчиликларни ҳисобга олиб Пермь, Иркутск, Красноярск шаҳарлари билан алоқа боғладик. Мазкур шаҳарлардаги ёғоч етиштирувчи жамоалар билан хўжалигимизда тайёрланган мева ва сабзавот консерваларни ёғочга айирбошлаб, қурилиш материаллари олиб келаяпмиз. Ана шу келтирилган ёғочларнинг тенг ярмини уй-жой солаётган ишчиларга, қолганини хўжаликда маданий-маиший бинолар қурилишига сарфлаяпмиз.

Депутатнинг таъкидлашича, хўжаликда етиштирилган мева ва узумнинг харид нархи арзонлиги ишчиларнинг ойлик иш ҳақларини ошириш имкониятини бермаётир. Бу масаланинг ечими ва хўжалик иқтисодини мустаҳкамлаш учун хўжалик ўрамидаги Киров номли деҳқончилик саноати бирлашмасининг узумни қайта ишлаш цехини заводга айлантириш ва бўлғуси корхонани давлат хўжалиги ихтиёрига ўтказиш ҳаракати бошланди. Агар цех заводга айлантирилса борми? Йилига 4 минг тонна узумни қайта ишлаш имконияти юзага келади. Узум ва мевани қайта ишлаш ҳисобига ҳосил қилинадиган шарбат ва компотлар йил давомида хўжаликка камида 4 миллион сўм даромад келтиради. Бу эса ҳозир ишчиларга тўланаётган 174 сўм иш ҳақини икки ҳисса кўпайтириш имкониятини яратади. Заводни етарли миқдорда маҳсулот билан таъминлаш боғбон ва соҳибкорларнинг самарали меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштиришларига боғлиқдир. Шу мақсадда мавжуд боғ ва токзорлар ишчиларга аниқ шартнома асосида бўлиб берилди. Боғбон ва соҳибкорлар шартномада белгиланган ҳосилдан ортиқча қисмини хўжаликка нақд пулга сотиш имконига эга бўлишди. Бундай қулайликнинг яратилиши Долимжон Боймирзаев, Шаҳобиддин Мўминов, Иноможон Ҳакимовлар бошлиқ мевачилик звенолари ҳамда Абдумажид Ҳайдаров, Машраббой Солиев, Абдуқаҳҳор Ҳусановлар етакчилигидаги узумчилик бригадалари ишчиларининг янада шижоат кўрсатиб меҳнат қилишларига туртки бўлди. Ўтган йили ҳар гектар ердаги узумзордан 100 центнердан ҳосил олган соҳибкорлар бу йил камида 120—125 центнер ҳосилни мўлжаллаб иш юритмоқдалар.

Ҳўжаликда тошлоқзорни ўзлаштириш ҳисобига бу йил баҳорда 51 гектар ерда янги боғ ташкил этилди. 176 гектар ерга эса хўжалик моли учун бир йиллик озуқа экини экилди. 60 гектар ерга экилган буғдойдан кўзланганидан зиёд ҳосил йиғиштириб олинди. 36 гектар ерда парваришланган жавдар, 57 гектарга экилган беда экинларидан ҳам мўлжалдагидек ҳосил олинаётир. Қувончлиси шундаки, дарё ўзанидан ўзлаштирилган ерларда ҳатто сабзавот экинлари ҳам етиштирилмоқда. 20 гектар ерда помидор, булғор қалампири, қизилча, пиёз экинларини парваришлаётган сабзавоткорларнинг аҳди ҳам юксак.

Юқоридагилардан кўринадики, давлат хўжалиги маъмурияти, мутахассислар хўжаликни ҳар томонлама ривожлантириш йўлида изланмоқдалар, янги-янги имкониятларни ишга солиб, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш эвазига юрт маъмурчилигига ўзларининг муносиб улушларини қўшмоқдалар. 1103 гектар тошлоқ ернинг 650 гектарида узумзор, 453 гектарида мевали боғ ташкил этган ишбилармонлар шу кунларда яна бир ишнинг пайида юришибди. Бу — келгуси йилдан бошлаб бу ерда балиқ ва ўрдак гўшти харид қилиш имкониятини йўлга қўйиш режасидир.

— Хўжалигимиз район марказидан 40—45 километр узоқликда жойлашган, — дейди хўжалик директори Р. Сиддиқов суҳбат сўнгида. — Бу ерда аввалдан яшаган беш-олти оилани ҳисобга олмаганда, ҳеч қандай бино қурилмаганди. Яқин-яқингача ҳам бу ерлар, айниқса, кеч куздан то эрта баҳоргача ҳувиллаб қоларди. Қўшни қишлоқ ва шаҳарлардан деҳқончилик қилиш учун келадиган кишилар ҳосилни йиғиштириб олганларидан сўнг ўз уйларига жўнаб кетишарди. Шу боисдан хўжаликда маданий-маиший бинолар, айниқса клуб, чойхона, ошхона, болалар боғчаси қурилишига эҳтиёж сезилмасди. Уч-тўрт йилдан бери хўжаликка келиб ишловчилар билан мана шу ерда яшаб қолиш шарти асосида иш юритяпмиз. Натижада ҳозир 300 дан ортиқ оила доимий яшайдиган бўлди. Қолаверса, шу туфайли бу ерда маданий-маиший бинолар қуриш имконига ҳам эга бўлдик. Бу ҳаракатни давом эттириб, хўжалигимизни, албатта, боғ-бўстонга, яшнаган қишлоққа айлантирамиз...

Ишбилармонлик — давр талаби

Ҳа, директор айни кунларда хўжалик раҳбари сифатида ҳам, район Советининг депутати сифатида ҳам барча эзгу орзуларнинг рўёбга чиқиши учун бош-қош бўлаётир. Шубҳасиз, унинг аввало иқтисодни кўтариш борасидаги хайрли ҳаракатлари амалга ошса, келгусида тошлоқзор ўрнида бўстон барпо этилажак, бўстон ичра яшаган инсонлар эса, албатта, шодмон бўладилар.

С. ИСМОИЛОВ,
Қўрғонтепа район «Истиқбол» рўзномаси муҳаррири муовини.

«ОФИЦЕРЛИК ХИЗМАТИ — ЧИНАКАМИГА ЭРКАКЛАРНИНГ ИШИ»

Генерал ХАДИРБОЕВ:

СССР Мудофаа вазирининг буйруғига биноан генерал-майор Хадирбоев Румиль Эргашевич Туркистон Ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг ўринбосари этиб тайинланди. Мамлакатимиздаги энг катта ҳарбий округлардан бирининг тарихида бундай юксак лавозимни касб-кори ҳарбий хизматчи бўлган, ўзбек миллатига мансуб киши биринчи марта эгаллади. У 51 ёшда, хотини, иккита қизи бор.

— Румиль Эргашевич, Сизнинг янги лавозимга тайинланишингиз республикамиз ҳаётида сезиларли воқеадир. Шу сабабли халқимизнинг сизга бўлган қизиқишини изоҳласа бўлади. Ўзингиз ҳақида, қандай қилиб офицер бўлганингиз, қаерда хизмат қилганингиз тўғрисида гапириб берсангиз.

— Мен 1940 йилда Янгийўлда туғилганман. Отам колхоз раисининг механизация ишлари бўйича ўринбосари бўлиб ишлаган, онам уй бекаси. Оиламизда 6 та бола бор эди. Уч ака-ука, уч опасингил. Уларнинг ҳаммаси ҳозир ҳам Янгийўлда яшайди. Етти йиллик мактабни тугатгач, Тошкентдаги қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш техникумига кирдим. Кейин бироз муҳандис бўлиб ишладим, қуролли кучлар safларига чақирилдим, алоҳида машқ танк батальонида хизмат қилдим. Бир йил ўтгач офицер бўлишга қарор бердим. Тошкентдаги танк командирлари олий билим юртига кирдим. Умуман, мен Туркистон Ҳарбий округида ҳарбий мутахассис сифатида шаклландим. Мен бу округда хизмат қилишга шу йиллар ичида интилиб келдим. Билим юртини тугатгач лейтенант унвонини беришди ва Венгриядаги Жанубий қўшинлар гуруҳига хизматга юборишди. У ерда танк взводи командирлигидан иш бошладим. Рота командиригача бўлган йўлни босиб ўтдим. 1969 йилда Бронетанк қўшинлари академиясига ўқишга кирдим. 1972 йилда яна қўшинларда хизмат қила бошладим. Батальон командири, полк штабининг бошлиғи, полк командири бўлдим. Шундан кейин Кавказ орти ҳарбий округига қўшилма командирининг ўринбосари лавозимига юборилдим. Кейинчалик дивизия командири бўлдим. 1986 йилда генерал-майор унвонини беришди. Вьетнамда маслаҳатчи бўлиб ишладим. Ватанга қайтгач, лавозимга тайинлашди. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг, Президент аппарати ходимларининг фаол иш олиб боришлари натижасида 24 август куни СССР мудофаа вазири мени Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округи қўмондонининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида буйруқ чиқарди.

Менга маълум бўлишича, бунда республика Президенти аппарати ходимларининг мудофаа вазирлигига сафари, уларнинг вазирлик ҳамда бош штаб масъул ходимлари билан учрашуви ҳал қилувчи аҳамият касб этди, шундай эмасми?

— Ҳа, бу менинг ишга тайинланишимда ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Мен ўзбек тилини, миллий анъаналарни, урф-одатларни яхши биламан. Кавказорти ва Болтиқбўйи ҳарбий округларида ҳам шундай лавозимлар жорий этилди. Яъни бу заруратдир, мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий воқелик тақозосидир.

— Сиз нима билан шуғулланасиз, хизмат вазифангизга нималар киради? Зотан Туркистон Ҳарбий округи қўшинлари фақат Ўзбекистонда эмас, айни вақтда бошқа тўрт республика ҳудудида ҳам жойлашган.

— Вазифаларим кўп. Уларнинг энг асосийси маҳаллий миллат вакилларидан кадрлар тайёрлашдир. Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинганидан сўнг, республика Мудофаа ишлари вазирлиги, миллий гвардия, муқобил хизмат ташкил этилиши муносабати билан қисқа вақт ичида сифат жиҳатдан янги тузилмаларни вужудга келтириш керак. Жумладан, республика ва Туркистон ҳарбий округи ҳудудида жойлашган олий ҳарбий билим юртлари фаолиятини қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда. Суворовчилар билим юртларида, ДОСААФдаги ишлар ҳам бутунлай бошқача ташкил этилиши лозим. У ерда асосан ўзбек тилини, халқнинг анъаналари ва урф-одатларини биладиган ёшлар ўқиши керак. Дарвоқе, тарихга мурожаат этадиган бўлсак, кўпгина қизиқарли мисолларни топиш мумкин. Чунончи, Туркистон генерал-губернатори фармойишига кўра бу ерда хизмат қилаётган подшо армиясининг барча офицерлари икки йил ичида маҳаллий тилни ўрганишлари керак эди.

Ўрта Осиёдаги бошқа жумҳуриятларда ҳам янги тузилмаларни вужудга келтириш менинг хизмат вазифамга киради.

— Лекин бу ўзбекистонлик йигитлар фақат ўз республикалари ҳудудидагина ҳарбий хизматни ўташлари керак, деган маънони билдирмайди, шундай эмасми? Яқинда мен Қизил Байроқ орденли Шимолий флотда хизмат сафарида бўлдим. У ерда хизмат қилаётган ўзбекистонлик йигитларнинг кўпчилиги бошқа минтақаларда хизматни ўташ тарафдоридирлар.

— Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси билан СССР Мудофаа вазирлигининг бош штаби имзолаган битимда улар мамлакатимизнинг бошқа минтақаларидаги ҳудудларда ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташлари мумкинлиги назарда тутилган. Лекин бунда ҳам кўпгина муаммоларни ҳал этиш зарур. Хизматга асосан қишлоқ ёшлари чақирилади. Уларнинг жисмоний ва техникавий тайёргарлик даражаси анча паст. Шундай экан, ДОСААФ фаолиятини, мактаблардаги бошланғич ҳарбий тайёргарликни тубдан қайта кўриб чиқамиз. Мен кўп йиллар мобайнида танк қўшинларида хизмат қилдим, фақат яхши тайёргарликдан ўтган кишигина замонавий жанговар техникани эгаллаши мумкин, деб ўйлайман. Демак, бундай мутахассисларни ҳозиргидек тайёрлаб бўлмайди. Бу ишда расмиятчиликка йўл қўйиш мумкин эмас. Бошқа жиҳатдан олганда эса, ҳарбий билим юртларининг унутилиб кетган анъаналарини тиклаш зарур. Чунки аввалги вақтларда бу билим юртларига яхшиларнинг яхшиси кирарди. Муболағасиз айтиш мумкинки, улар сараларнинг сараси бўларди. Одамлар ҳарбий ишни мукаммал эгаллабгина қолмай, айни вақтда адабиёт ва санъатни яхши тушунишар, бир неча ҳорижий тилларни билишарди. Шу сабабли Суворов билим юртларига тўртинчи синфни битирган болалар келиши керак. Улар етуклик гувоҳномасини олгунларича жуда зарур бўлган командирлик фазилатларини эгаллаб олишлари мумкин.

Энди байналмилалчилик ҳақида бироз тўхталсам. Байналмилалчилик армиямизга ҳамма вақт хос хусусият бўлиб келди. Хизматдан қайтиб келаётган бизнинг ўзбекистонлик йигитларга бир назар ташланг. Улар бундан икки йил олдин жўнаб кетаётган ғўр йигитларга сира-сира ўхшашмайди. Улар мутлақо бошқача бўлиб қайтишади. Йигитларнинг касб маҳорати, фикр доираси анча кенгайган. Командирларимизнинг иши туфайлигина эмас, айни вақтда улар хизмат қилган байналмилал муҳит ҳам бунга ўз таъсирини кўрсатган. Мен «ўз хонадонимизда биқиниб қолмаслигимиз» керак деб ўйлайман. Акс ҳолда ҳеч қандай ижобий натижага эришмаймиз.

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонуннинг олтинчи моддасига мувофиқ тузилаётган миллий гвардияга ҳам бу гаплар тегишлидир. Назаримда, Ўзбекистон ватани бўлиб қолган барча миллатларнинг вакиллари миллий гвардияда хизмат қилиши даркор. Айни вақтда бу борада кўпгина муаммоларни ҳал этиш керак. Гвардиянинг мақомини аниқлаш зарур. Чунки у ички вазифаларни бажариши, қонунларимизни ҳимоя қилиши керак. Миллий гвардия фахрий қоровул ротаси ва оркестрини ҳам ўз ичига оладиган чоғроқ бўлинма бўлади. Бундай бўлинмалар ҳар қандай мустақил давлатнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

— Бизда бутун етмиш йил мобайнида «Халқ билан армия биргадир» деган шиордан кўп фойдаланиб келишди. Ҳамма бу одатдаги жўн ташвиқот эканини тушунарди. Лекин август фитнаси рўй берган вақтда армия билан халқ ҳақиқатан ҳам бирлашиб кетди. Худди шу армия қон тўкилишига йўл қўймади. Дарвоқе, фитна ҳақидаги хабарни қаерда эшитдингиз, унга қандай муносабатда бўлдингиз?

— Тўнтариш тўғрисидаги хабар аввалига барча офицерларни таажжублантирди. Кейинчалик эса, унинг ташаббускорларини билгач, бу бемаъни иш эканини тушундик. Халқ билан армия ана шундай мураккаб вазиятда ўзининг чинакам бирлигини намоён этди. Бизнинг Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округимизга келганда, унинг қўшинлари ўз жойлашган ерларида тураверди, ҳеч қандай ҳаракатда қатнашмади. Бунга ҳожат ҳам йўқ эди. Чунки Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий аҳвол тинч эди. Бу эса жуда муҳимдир.

— Ўртоқ генерал, сиз ҳарбий касб эгасисиз, ўнлаб гарнизонларда хизмат қилгансиз, неча марталаб уйингизни алмаштиргансиз, дарбадор кезгансиз. Мабодо ҳаётни яна қайтадан бошлаш имконияти туғилса, қайси йўлни танлардингиз?

— Эҳтимол, сўзларим кимларгадир баландпарвоз туюлар, лекин армия менга ҳамма нарсани берди. Бу ерда мен маҳоратли командир бўлиб етишдим, командирларим ва хизматдошларим туфайли ажойиб ҳаёт мактабидан ўтдим. Шундай қилиб ҳаёт йўлимни танлаш тўғрисида ҳеч иккиланмаганман. Мен фақат Қуролли Кучлар safларида Ватанга хизмат қилишни хоҳлайман. Бу оғир, чинакамига эркакларнинг иши.

Мен кўп жойларда хизмат қилдим. Ҳозирги вақтда офицерлар ижтимоий жиҳатдан амалда ҳимоя қилинмаганлиги сир эмас. Йиллар мобайнида улар неча марталаб ўз уйларини алмаштирадилар, сарсон-саргардон кезадилар. Шу сабабли оилалар бузилиб кетмоқда, одамларнинг тақдирида бошқа кишини танг қолдирадиган воқеалар рўй бермоқда... Армиянинг вазифаси — халқимизнинг ишончли қалқони бўлишдир. Лекин бу қалқонни ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди.

— Сўнгги савол: Румиль Эргашевич, Сиз бахтли одаммисиз?

— Тақдиримдан шикоят қилиш мен учун гуноҳ бўлур эди. Менда ҳамма нарса — севимли иш, қалбимга яқин кишилар бор. Яқинда бува бўлдим. Катта қизим ўғил кўрди. Дарвоқе, унинг умр йўлдоши ҳам ҳарбий мутахассис, батальон командиридир. Шундай қилиб десангиз, бизда ҳарбий сулола вужудга келмоқда. Энди янги ишга тайинландим. Лекин хонада диққинафас бўлиб ўтирмоқчи эмасман — табиатимга тўғри келмайди Гарнизонларга бораман, одамлар билан учрашаман Янги техникани ҳам ўрганиш керак. Модомики, танкчи эканман, уни мукаммал эгаллаб олишга мажбурман.

Л. ЛЕВИН,
ЎзТАГ мухбири.

СССР ДАВЛАТ БАНКИДА

СССР ДАВЛАТ БАНКИНИНГ 1991 ЙИЛ НУСХАСИДАГИ 200 ВА 500 СЎМЛИК БАНК БИЛЕТЛАРИ (БАНКНОТАЛАРИ)НИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Давлат банки хабар қилади: чакана нархлар ислоҳ қилиниши ва аҳолининг пул даромадлари кўпайиши муносабати билан ошган пул оборотини эҳтиёжларини қондириш ҳамда ҳисоб-китоб қилишда фуқароларга кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида ҳозир муомалада бўлган банкноталарга қўшимча равишда шу йил IV кварталида СССР Давлат банкининг 1991 йил нусхасидаги 200 ва 500 сўмлик банкноталарини муомалага чиқариш кўзда тутилмоқда.

Банкноталарнинг тасвири ва уларни муомалага чиқаришнинг аниқ куни матбуотда қўшимча равишда эълон қилинади.

Абадий замондошлар

БУ ИШҚ СИРРИН БАЁН ЭТСАМ...

Улуғ Навоий ижодий мактабини ўтаб, шеъриятнинг юксак чўққиларига кўтарилган ижодкорлардан бири Бобораҳим Машрабдир. Навоий ижодининг асосини ташкил этувчи чуқур фалсафийлик ва халқчиллик, инсонпарварлик ва одамийлик, юксак одоб-ахлоқ ташвиқи, ҳар жиҳатдан камолотга эришган Инсон тарғиби унинг асарларида ҳам ўзига хос жўшқинлик, шижоат ва суръат билан намоён бўлди.

Алишер Навоий ҳам, унинг изидан борган Бобораҳим Машраб ҳам ўз ижодий фаолияти марказига халқ учун, юрт учун хизмат қилиш вазифасини қўйганлар. Навоий ва Машраб шеъриятининг лирик қаҳрамонлари одамийлик ғоялари билан вояга етган раҳм-шафқатли ва мурувватли, одил ва ҳақсўз, ахлоқий пок ва ҳалол, кўпчилик манфаатларини шахсий ғаразинтилишлардан устун қўя олувчи олижаноб кишилар сифатида намоён бўладилар. Навоийнинг лирик қаҳрамони бир ўринда:

Юз жафо қилса манга — бир қатла фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо — юз қатла фарёд айларам! —

дея ҳайқирса, Машрабнинг лирик қаҳрамони:

Бу олам халқи ичра дилпаришон бўлмасун ҳеч ким!... — деб
Аё дўзах, мени куйдур, халойиқ куймасун, ҳаргиз!

— дея халойиққа йўналтирилган азоб-уқубатларга ўз кўксини тутади.

Маълумки, Машраб ижодий меросида пантеистик фалсафа — яъни бутун борлиқ ва барча мавжудотда, жумладан, Инсонда тангрининг зуҳури, яратувчининг зарра-жилваси ифодаланиши ҳақидаги таълимот юзага чиққан. (Ўз тарихий илдизлари билан бу таълимот Шарқ ижтимоий-фалсафий тафаккурининг Мансур Ҳаллож, Фаробий, Шайх Боязид Бистомий, Имомиддин Насимий каби буюк намояндаларига бориб тақалади. Машрабнинг бу масалада бевосита Навоий ижодий тажрибасидан ҳам кучли баҳраманд бўлганлигини таъкидлаш лозим).

Масалан, Машрабнинг пантеистик қарашларини ифодаловчи шеъриятининг энг ёрқин намуналаридан:

Бу тани хокийнию руҳи равонни на қилай?
Бўлмаса қошимда жонон, бу жаҳонни на қилай?!

матлаи билан бошланувчи машҳур ғазални Навоийнинг бу тур асарлари намунаси билан енгилгина қиёслаб кўрайлик. Ҳар иккала ғазалдаги сўфий истилоҳлар, рамзий образ-киноя ларнинг асл мазмуни уларда мавзуъ-мазмун яқинлигини, етакчи ғоя, ҳукмрон руҳ ва оҳанг умумийлигини кўрсатади. Аввало, Машраб ғазали давомини ўқийлик:

Ерсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ не керак?!
Қолган Иброҳимдин ул эски дўконни на қилай?!
Урайинму бошима саккиз биҳишту дўзахин?!
Бўлмаса васли менга икки жаҳонни на қилай?!
...Бир худодин ўзгаси барча ғалатдур, Машрабо,
Гул агар бўлмаса илкимда тиконни на қилай?!

Бу байтларни Навоийнинг «Наводир уш-шабоб» девонидан ўрин олган қуйидаги ғазал мисралари билан қиёслаб таҳлил этсак, уларнинг ҳар жиҳатдан ўзаро ҳамоҳанг эканлиги кўзга равшан ташланади:

Гулшани кўюнгдин айру боғи ризвонни нетай?!
Бошима гар гул сочар — сенсиз гулафшонни нетай?!
Наҳли қаддинг чун эмас гирён кўзумда жилвагар
Жўйбор атрофида сарви хиромонни нетай?!
...Зулмати ҳажрида чашминг васфин этмас, эй Хизр,
Менки умрумдан тўюбман — обиҳайвонни нетай?!
Ердин айру бузуғ кўнглумға қилдим ҳайрбод,
Эй Навоий, ўйла ганж ўлмай бу вайронни нетай?!

Бизнингча, ҳар иккала буюк сўз устаси ҳам бу ғазал ларда бир мазмун-ақидани бир ғоявий-фалсафий тушунча асосида ифода этмоқдалар. Машраб улуғ устози асаридан шу қадар кучли таъсирланганки, ғазал жисми ва руҳига сингдирилиб юборилган жўшқинликни ҳам, заминидан ҳиссий ҳаяжон ва фикрий исён уфуриб турган қатъий оҳангни ҳам ўз асарининг етакчи унсури сифатида қабул қилган.

Машраб ижодий меросидаги «Ўртар» радифли ғазални ҳам Навоий анъаналарининг бардавомлигини исботловчи далиллар жумласига киритиш мумкин. Бу ўта таъсирчан ва кенг шуҳрат топган ғазал мисралари жисми ва руҳига ҳам Машраб дунёқарашига хос пантеистик таълимотнинг асосий ғоя-образлари усталик билан жойлаб юборилган:

Агар ошиқлигим айтсам — куюб жону жаҳон ўртар!
Бу ишқ сиррин баён этсам — тақи ул ҳонумон ўртар!
Кишига ишқ ўтидин заррае етса бўлур гирён!
Бўлуб бесабру бетоқат юрак-бағри чунон ўртар!
...Бу Машраб дардини, жоноки, ҳечким бошиға солма,
Агар машҳарда «оҳ» урсам биҳишти жовидон ўртар!

Алишер Навоий шеъриятида шундай пантеистик ғоя-мазмунни бадиий ифодаловчи намуналар анча-мунча. Машраб асарининг ёзилишига эса, бизнингча, «Наводир уш-шабоб» ва «Бадоеъ ул-васат» девонларидан ўрин олган «Ўртанур» радифли икки ғазал бевосита туртки бўлган. Биз уларда Машраб ғазалининг барча етакчи белгиларини навоиёна талқин ва ифодада тўла-тўкис учратамиз:

Менда бир ўтдурки, гар дам урсам афлоқ ўртанур!
Асрасам кўнглумда жону жисми ғамнок ўртанур!
Меҳр эмас — оҳим ўтидин кўкка етмиш бир шарар,
Айб эмастур гар десам: «Дам урсам афлоқ ўртанур!»
Бас, таним ўртарга қонлиғ новакинг — ҳижронни қўй!
Барқ не ҳожат — бир учқун бирла хашок ўртанур!

Шубҳасиз, ўрганиш ва таъсирланишнинг биринчи ва яққол кўринишлари бевосита ўхшатма-назираларда тўла ифодасини топади. Навоий ғазалларига назира тарзида битилган намуналар Машраб меросида анчагина. Машраб улуғ устози асарларининг мавзуи, талқини, вазни, қофия ва радифларини тўла-тўкис сақлаган ҳолда назира битган: ҳудди шунинг учун ҳам улар жонсиз ўхшатма, ҳиссиётсиз тақлид даражасида қолиб кетмай, аксинча, тўлақонли мустақил янги асар савиясига кўтарила олган. Бу жиҳатдан унинг «Келмади» радифли мухаммаси алоҳида диққатга сазовор.

Унда гўзал маъшуқанинг ошиққа берган ваъдаси, лирик қаҳрамон — ошиқнинг интиқлик билан висол дақиқаларини кутиши, бу жараёндаги ҳаяжон ва ширин безовталик ниҳоятда таъсирчан ва жонли ифодаланади. Маъшуқа ваъдасида турмайди, ошиқни зор қақшатиб, учрашувга келмайди. Ҳажман катта (ўн икки банд) бу муҳаммасда лирик қаҳрамоннинг ана шу ҳижрон азобида қолган ҳолатдаги дил ўртовчи ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, дарду ҳасратлари маҳорат билан очилади:

Ваъда қилди бир келай деб, кўзга уйқу келмади,
Термулуб йўлида турдум, шўхи бадхў келмади,
Неча келди шум рақиблар, ул париру келмади,
Дардидин ўлдум, табиб, дардимга дору келмади,
Мен шаҳиди ишқ бўлдум, қатран су келмади.

Муҳаммаснинг шу мисралари билан танишган ҳамоно ўқувчи Алишер Навоийнинг худди шу мазмун, вазн, қофия ва радифда яратилган машҳур ғазалини эслайди.

Таъкидлаш лозимки, улуғ шоир анъаналаридан баҳрамандлик Машраб ижодида турлича кўринишларда намоён бўлган. Худди шунинг учун ҳам ташқи белгилари жиҳатидан ўхшаш намуналардагина, яъни, назира йўли билан битилган асарлардагина Навоий таъсирини қайд этиш билан чекланиши бирёқламалик бўлади.

Машраб улуғ устозидан ташқи борлиққа, даврнинг долзарб масалаларига, ижтимоий ҳаёт воқеа-ҳодисаларига фаол муносабатда бўлишни ҳам ўрганди. Инсон эркининг, ҳақ-ҳуқуқларининг замона зўравонлари томонидан бешафқат топталишига қарши норозилик туйғуларини ифодалашда Навоийнинг бой ва ранг-баранг асарларига суянди.

Машрабнинг инсоний камолот ва гўзалликни улуғловчи, чин севги-садоқат ва юксак ҳулқ-атворни тарғиб этувчи шеъриятига хос фазилатлардан бири — чин халқона руҳи, десак хато бўлмайди. Шоир ўқувчилар билан ниҳоятда самимий сўзлашади, халқ мақол-ибораларидан кенг ва ўринли фойдаланади. Айтиш керакки, бу соҳада ҳам Бобораҳим Машраб Навоийнинг бой ижодий тажрибасига мурожаат қилади.

«Хазойин ул-маоний» девонидан олинган мана бу ғазалларнинг матласидаги қофия ва радифларига диққат қилайлик:

Ишқнинг этагин жон илиги бирла тутубмен,
Сен киргали ёдимга — ўзумни унутубмен;
Ул ойки жафо нардини хўблардин утубдур
Ёраб, не бало меҳру вафони унутубдур;
Ўтлуғ юзидин ул ойким бурқаин олибдур,
Кофирлиғин, кўрунгким, мусҳафқа ўт солибдур;
Ҳуреки, менинг жонима офат етилибдур,
Тўби киби қад бирла қиёмат етилибдур.

Бизнинг фикримизча, Навоийнинг бу каби гўзал ғазаллари Машраб ижодий меросида ҳам шундай халқчил шеърлар туркумининг яратилишига туртки бўлган, илҳомбахш намуналар вазифасини ўтаган. Далиллар Машрабнинг мўъжаз бадиий лавҳа-манзаралар чизишда ҳам Навоий ижодий тажрибаларидан илҳом топганлигини кўрсатади. «Ғаройиб ус-сиғар» девонидаги ғазалларнинг бирида гўзал маъшуқанинг юзга парда тортиши ошиқ кўнглини вайрону тарож этади, деган мазмун берилади ва бу ҳолат карвонларга ҳужум қилиб, талаш олдидан қароқчиларнинг юзга ниқоб боғлашига қиёсланади:

Кўнгуллар нақдини тарож этарга ёпмоғинг бурқаъ,
Анингдекдурки, юз боғлар қароқчи карвон кўргач.

Машраб улуғ шоир кашф этган бу ҳаётий лавҳадан бевосита таъсирланган, дейишга етарли асос бор, унинг ҳам ишқий ғазалларининг бирида шундай манзара чизилади:

Кўзунг яғмо қилур бебок кўнгулни ҳеч ваҳм этмас,
Қароқчи кўрқитур ҳар ерда топса карвон ёлғуз.

«Бадоеъ ул-васат» девонидаги бир ғазалида эса улуғ шоир тажнис санъати, яъни ёзилиши ва ўқилиши жиҳатидан бир хил сўзлар заминидаги турли маъноларни очиш воситасида эсда қоларлик сўз ўйини ихтиро этган эди:

Эй қаро кўз, бўлмас ул ЮЗ шавқидин ЮЗдин бири
Кўз қаросидин агар ЮЗ нома таҳрир эткамен.

Машраб ҳам худди шу «ЮЗ» сўзи иштирокида тажнис санъатининг етук намунасини яратади:

ЮЗунгдин ЮЗ ўгурмасман агар ЮЗ минг жафо қилсанг!

Бу каби эгизаклардек ўхшаш лавҳаларни ҳар икки шоир меросларидан яна кўплаб келтириш мумкин.

Ва ниҳоят, Навоий ижодий фаолиятига хос яна бир катта фазилатнинг Машраб томонидан қабул қилиниб, давом эттирилгани ҳақида ҳам эслаб ўтайлик. Гап зуллисонайнлик — яъни, икки тилда қалам тебратиш тажрибаси устида бормоқда. Машраб бу анъанани давом эттириб, қатор форсча шеърлар яратган, ўзбек ва форс тилларида ширу шакар шаклида ғазаллар битган эди.

Биз юқорида кўплаб келтирган далиллар Бобораҳим Машрабнинг улуғ Алишер Навоий меросидан бевосита ва баракали баҳраманд бўлганлигини кўрсатади.

Абдурашид АБДУҒАФУРОВ,
филология фанлари доктори.

• *ҲОСИЛ—91* •

КУЗ СИНОВГА ТУТАДИ



Ромитан районидаги Энгельс номли жамоа хўжалигида пахта қабул қилиш пункти қурилиши поёнига етмоқда. Колхозчилар тошторозини ишга созлаш, хом ашё қуритиш майдончаларини асфальтлаш билан машғул.

Пунктни давлат ёҳуд пахта тайёрлаш вилоят трести эмас, хўжалик ўз маблағи эвазига қурмоқда. Зеро, бу туфайли жамоа пахтакорлари пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилнинг чинакам хўжайинига айланадилар.

Далаларда ҳосил чўғи баланд. Аллаёр Шукуров бошлиқ бригада майдонларидаги ҳосил чамалаб чиқилганда гектаридан белгиланган 36 центнер ўрнига 40 центнердан қимматли хом ашё тўплаш мумкинлиги аён бўлди.

Бригаданинг 80 гектардан зиёд майдони оилавий пудратчиларга тақсимлаб берилган. Вазирлар Маҳкамасининг колхозчилар ва совхозлар ходимларининг 1991 йил пахта ҳосилини ўз вақтида ва сифатли йиғиб-териб олишдан моддий манфаатдорлигини таъминлаш бўйича қабул қилган қароридан кейин деярли барча оилалар ҳосилни машиналар билан йиғиштириб олишни талаб қилишди. Натижада бригадада машина терими майдони қарийб икки бараварга ошди.

— Пудратчиларнинг бундай талаб қўйишига асос бор, — деди биз билан суҳбатда жамоа бошқарувининг раиси А. Туйғунов. — Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан бу йил машина да терилган бир тонна пахта учун 25 сўм, қўлда терилган ҳар бир килограмм хом ашё учун эса 40 тийиндан ҳақ тўлаш кўзда тутилган. Демак, машинада терилган ҳар бир тонна пахта пудратчига 150 сўм қўшимча даромад беради...

Афсуски, вилоятнинг барча хўжаликларида ҳам бундай манфаатдорликни тўла ҳис этишмаяпти. Айниқса, Шофиркон ва Ғиждувон сингари аҳоли зич жойлашган районларда пахтани қўл билан териш режалари тузилмоқда. Вилоят қишлоқ хўжалиги таъминот-тузатиш бирлашмасидан олинган маълумотларга кўра, шу ойнинг ўзида тутилган пахтанинг ярмига ишчи органлари тақилган, холос. Бу вилоятда техникани мавсумга ҳозирлаш бўйича энг паст кўрсатгичдир.

Мазкур районларда машина теримига салбий муносабат кўп йиллардан буён давом этаётган сурункали иллатдир. Жумладан, ўтган йили Шофиркон районида ҳосилнинг атиги 7,7 фоизи, Ғиждувонда эса 12,9 фоизи машиналар билан териб олинди, холос. Агар мавсумга ҳозирлик шу зайлда давом этаверса, бу йилги натижа бундан ҳам паст бўлиши табиий!

Ғиждувон ва Шофиркон хўжаликларидаги терим техникасининг тақдирини ҳал қилмоқ лозим. Негаки районлардаги деярли 400 та терим машинасининг йилдан йилга ишлатилмай ҳам маънавий, ҳам жисмонан эскириши кимга фойда?! Балки уларни ҳақиқатан ҳам ҳосилни машина билан терадиган хўжаликларга сотиш керакдир.

Чунки, вилоятнинг бошқа районларида машина терими анча яхши ташкил қилинган. Улар бу йилги мавсумга ҳам яхши тайёргарлик кўришяпти.

МАШИНАЛАРГА ТАЯНИБ

бошига келиб Шофиркон районида 188 та терим машинасининг атиги саккизтасига, Ғиждувон районида бу машиналарнинг ярмига ишчи органлари тақилган, холос. Бу вилоятда техникани мавсумга ҳозирлаш бўйича энг паст кўрсатгичдир.

Мазкур районларда машина теримига салбий муносабат кўп йиллардан буён давом этаётган сурункали иллатдир. Жумладан, ўтган йили Шофиркон районида ҳосилнинг атиги 7,7 фоизи, Ғиждувонда эса 12,9 фоизи машиналар билан териб олинди, холос. Агар мавсумга ҳозирлик шу зайлда давом этаверса, бу йилги натижа бундан ҳам паст бўлиши табиий!

Ғиждувон ва Шофиркон тт. Ромитан, Қоракўл, Вобкент, Пешку, Навбаҳор, Навоий районларида терим техникаси шай.

Дарвоқе, яқинда вилоят партия қўмитасининг бюроси Навоий райони пахтакорларининг ҳосилнинг 80 фоизини техника ёрдамида йиғиштириб олиш бўйича ташаббусини маъқуллади. Агар навоийликлар ўтган йили 75 фоиз ҳосилни машиналар билан териб олганликлари ҳисобга олинса, бу реал режа эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Бухоро навоийлик механизаторларнинг издошлари кўпаяди, деб умид қиламиз.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Комсомолобод районидаги В. И. Ленин 100 йиллиги номли давлат хўжалиги қўриқдаги кенжа хўжаликлардан биридир. Миришкорлар бу йил 295 гектар ерга чигит экиб, режадаги 16,6 центнер ўрнига 20 центнердан ҳосил олишга аҳд қилишган.

Ойтожихон Иброҳимова етакчилигидаги бригада жамоаси эса ҳосилдорликни 25 центнерга етказишга аҳд қилди. Суратда: илғор бригада бошлиғи Ойтожихон Иброҳимова.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

НЕГА ФЕРМЕРЛАР КЎПАЙМАЯПТИ?

Шарқ томонда уфқ ўсма ранг тусга кирди. Тун қоронғуси аста чекинабошлаган эди. Одилжон шу паллада Зилха қишлоғи четидаги ўз фермер хўжалигига равона бўлди. Фермага кириб борганида укалари аллақачон қорамолларга хашак бериб улгуришган, аёллар эса оппоқ кўпирган сут тўла челакларни кўтариб ташқарига чиқишаётган эди. Олтиариқликлар Одилжон Ҳикматовнинг фермер хўжалиги довруғини яхши билишади. Ташкил этилганига унча кўп вақт ўтмаган бўлсада, фермернинг қорамоллари сони 53 тага етди. Унинг 17 та соғин сигири бор. Хўжалик ҳозиргача давлатга тўққиз тоннага яқин сут сотди.

— Фермер хўжалигимизни ташкил этишда Қ. Кенжаев номли жамоа хўжалиги, район банки мутасаддилари катта ёрдам кўрсатишди, — дейди О. Ҳикматов. — Оиламиз аъзолари ҳам астойдил ишлашяпти. Зеро, молхол, ундан келадиган даромад ўзингники бўлгандан кейин жон куйдириб ишлайсан, киши. Бир йилда давлатдан олган қарзларни узиб дадил оёққа туриб оламиз.

Бу фермер хўжалиги яна бир хайрли ишга қўл урган. Хўжалик аъзолари ҳар куни қишлоқдаги ёлғиз, қаровчиси йўқ кишилар хонадонларига бепул сут ҳам етказиб беришяпти.

Жумҳурият Президентининг ер ислоҳоти ўтказишга доир долзарб вазифалар ҳақидаги Фармонидан сўнг Фарғона вилоятида ҳам фермер хўжаликлари ташкил этила бошланди. Жамоат ишлаб чиқаришида фойдаланилмаётган ер, техника, бино ва бошқа асосий воситалар шартнома асосида фермер хўжаликларига берилмоқда. Бу ташаббус тезда ўз самарасини кўрсатди. Риштон районидаги «Ленинизм» давлат хўжалиги фермери Ю. Раҳмоновнинг 28 бош қорамоли бор. Қисқа муддат ичида Ю. Раҳмонов давлатга ўн минг тоннадан ортиқ сер-қаймоқ сут етказиб берди. Фрунзе районидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалиги фермери Д. Жуманов, Риштон районидаги «Ленинизм» давлат хўжалиги фермери А. Маматаюпов, Охунбобоев районидаги Калинин номли жамоа хўжалиги фермери Р. Эргашев ва бошқа ўнлаб ташаббускор, ғайратли деҳқонлар ўз хўжаликларида 20-50 тага етказиб қорамол боқмоқдалар.

Вилоятда ҳозирги кунда 137 та фермер хўжалиги мавжуд. Улар ихтиёрида 1757 бош қорамол, шу жумладан, минг бошга яқин сигир парваришланяпти.

Аммо келтирилган фактлардан қувониб Фарғонада фермерлик ҳаракати жадал ривожланаётир дейишга ҳали эрта. Вилоят агросаноат уюшмаси жумҳурият Президенти Фармонларини амалга ошириш бўлимининг бош мутахассиси Д. Шодмоновнинг маълумотларига кўра, ҳозиргача вилоятдаги 163 та хўжаликдан атиги 48 тасида фермер хўжаликлари бор, холос. Бағдод, Қува, Сўх районлари ва Қувасой шаҳрида бирор та фермер хўжалиги йўқ.

Айрим район ва хўжаликлар раҳбарлари бу ишга лоқайд қараётганликлари, баъзан эса фермерлик ҳаракатига очиқдан-очиқ тўсқинлик қилаётганликлари сир эмас. Фарғона районидаги Лоғон қишлоқлик Ф. Илёсов шу ердаги А. Навоий номли жамоа хўжалиги ҳудудида фермер хўжалиги очиш учун роса югурди. Ярим йил чамаси оворагарчиликдан кейин ниҳоят яқинда у ер олишга муваффақ бўлди. Яхшиямки, Илёсов вилоят рўзномасига мурожаат қилган эди. Рўзнома ходимларининг аралашувигина унинг мақсадга эришувига имкон туғдирди. Албатта, Фарғона вилояти шароитида фермерга гектарлаб ер бериш мушкул муаммо. Аммо ҳозирга қадар вилоятда ер олиб экин-тикин қилаётган фермерлар бармоқ билан санарли. Бу эса деҳқончилик қилмоқчи бўлган фермерга эътиборнинг паст эканлигидан далолат беради. Ҳолбуки, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, озуқа экинлари ўриб олишда улар жамоа хўжаликларига нисбатан иккиуч баравар ортиқ ҳосил кўтармоқдалар. Фермер хўжаликларини ҳашак, омухта озуқа, шелуха-кунжара билан таъминлашда ҳам маълум қийинчиликлар учраб турибди.

Халқнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда фермер хўжаликлари муҳим ўрин тутади. Хўжалик юритишнинг бу самарали усули кенг қўлланилиши даркор.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Фармон ва ижро*

• *Янги нашрлар*

МУРАББИЙ

Кейинги йиллардаги сиёсий-иқтисодий ўзгаришлар мактаб, маориф фаолиятига ҳам таъсир этмасдан қолмади. Бу соҳадаги муаммолар шу даражада долзарб тус олдики, энди ликда уни фақат халқ таълими бошқармаларининг ўзи бартараф этишга қурби келмай қолди. Бу борада жамоатчиликка таяниш, оқил, соғлом фикрларни умумлаштириш ҳар қачонгидан зарур эканлиги аён бўлди. Шу мақсадда Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси жумҳуриятда биринчи бўлиб ўз рўзномасини нашр этишга қарор қилди ва янги ўқув йилидан бошлаб «Мураббий» рўзномасининг илк сони босмадан чиқди.

Рўзноманинг биринчи саҳифасида вилоят матбуот бошқармаси томонидан «Мураббий» рўзномасининг рўйхатга олинганлиги ҳақидаги гувоҳномадан кўчирма, жумҳурият халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошевнинг табриги ҳамда шоир А. Ориповнинг «Муаллим» шеъри ўрин олган. Ички саҳифаларда «Ислоҳот самаралари», «Оталиқ ташкилот ва мактаб», «Мураббий мулоҳазалари» рукнлари остида мақолалар берилган. Шунингдек, рўзномада устоз муаллимларнинг мулоҳазалари ҳам чоп этилган. Рўзноманинг илк сонини муштарийлар севиб харид қилдилар.

А. МАДАЎОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



● Пойтахтимиздаги «Подъёмник» корхонаси ишчи-хизматчилари ўз маҳсулотларининг харидоргир бўлиши учун курашмоқдалар. Жамоатчи суратқаш Р. Шарипов олган бу лавҳада корхонанинг илғор ишчилари Николай Пипков ва Усмон Эшматовни кўриб турибсиз. Улар ўз касбининг устаси сифатида довруғ қозонишган.

СИФАТЛИ ТОЛА УЧУН

Қашқадарё вилояти пахтазорларида оппоқ чаноқлар кўзга ташланиб қолди. Ҳадемай пахта ортган карвонлар қабул пунктлари ва заводларига кела бошлайди. Пахта тозаловчилар ана шу ҳосилни қабул қилиб олишга шайми! Мухбиримиз «Узхлопкопром»нинг Қашқадарё вилояти ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Эркул Зикриёевга шу савол билан мурожаат қилди.

— Пухта тайёргарлик билан бошланган иш ўзининг ижобий самарасини бериши турган гап, — деб бошлади Э. Зикриёев. — Корхоналаримиз ўтган йили вилоят колхоз ва совхозлари етиштирган 522 минг 552 тонна пахтани қайта ишлаб, юксак натижага эришди. Қарийб 180 минг тоннага яқин тола олинди Шуниси диққатга сазоворки, тола олиш режадаги 32,5 фоиз ўрнига 33 фоиздан ошди.

Заводларимизда меҳнат оқилона ташкил этилгани учун ҳам Шаҳрисабз, Яккабоғ, Ғузор, Чироқчи пахта тозалаш заводларида тола чиқиши 32,6-32,9 фоизни ташкил қилди. Шу сабабли мамлакат тўқимачилик корхоналарига юқори сифатли тола жўнатишга муяссар бўлдик. Шунингдек, 23 минг 702 тонна тола Вьетнам, Югославия, Польша, Индонезия, Ирландия, Таиланд каби хорижий мамлакатларга ҳам жўнатилди.

Вилоятнинг айрим районлари пахта тайёрлашда тажрибага ўтганлиги катта фойда келтирди. Хусусан, Шаҳрисабз ва Ульянов районларининг хўжаликлари тўлиқ, Қамаши ва Нишон районларида баъзи колхоз ва совхозлари экспериментга ўтказилди. Пахта тозалаш заводлари «тегирмон» ролини ўтади, холос. Ўз мулкига ўзи эгалик қилиш ҳуқуқи тола олишда ҳам яхши самара берди. Янгича усулга ўтиб ишлаётган Шаҳрисабз районидаги «Ғулистон», Энгельс номли, «Социализм», «Партия XXVII съезди», Китоб районидаги Свердлов номли колхозлар, Қамаши районидаги Охунбобоев номли совхозда эксперимент асосида тайёрланган ҳосилдан 37 фоизгача тола ажратилганлиги қувончли, албатта.

Бу йилги мавсумга кўпгина корхоналаримиз пухта тайёргарлик билан келдилар. Мавжуд 12 та заводдан ўнтаси 59 та пахта қабул пунктидан 53 таси тайёр. Янгидан учта пахта қабул қилиш пункти ишга туширилди. Улар ўттиз минг тонна пахтани қабул қилиб олиш қувватига эга. Айниқса, Чироқчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Ғузор пахта тозалаш заводлари мавсумга пухта ҳозирлик кўрдилар. Пунктлар малакали лаборантлар, ускуналар ва транспортёрлар билан таъминланди. Бунт майдонлари янгидан асфальтланди.

Бироқ, ҳамма завод ва қабул пунктларида ҳам янги ҳосилни қабул қилиб олишга ва қайта ишлашга тайёргарлик кўнгилдагидек деб бўлмайди. Бу ишнинг долзарблигига қарамай баъзи коллективларда хотиржамлик кайфияти, сусткашлик сезиляпти. Шеҳрисабз пахта тозалаш заводига қарашли Макрид пахта қабул қилиш пунктида қишлоқ хўжалик экинларидан олинган ҳосил тўкиб ташланган. 2-Косон пахта тозалаш заводига қарашли 52-Сурхон пахта қабул пунктида ўт ўчириш воситалари, ҳовузлар тайёр эмас. Нишон пахта тозалаш заводида ҳалигача таъмирлаш ишлари давом этяпти.

Пахта тозаловчилар айрим жиҳоз ва ускуналар етишмаслиги важидан завод ва қабул пунктларини ҳозирлашда қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Кўпгина жойларда транспортёрлар лентаси, электрдвигателлар етишмайди.

Вилоят ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти тармоқдаги ишчи ва ходимларнинг ижтимоий аҳволини янада яхшилаш, уларга қулай иш шароити яратиш тадбирларини кўряпти. Шу мақсадда тўрт жойда ёрдамчи хўжалик ташкил этилди. Айрим корхоналар ҳузурида мойжувоз ва тегирмонлар ишлаб турибди. Ишчилар уй-жой билан таъминланяпти. Тармоқда ишлайдиган барча ишчиларнинг ойлик маоши август ойидан 225 фоизга оширилди. Бу меҳнат аҳлининг ғайратини янада оширади деган умиддамиз.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯШАЙВЕР, «ПРАВДА»!

Бир ҳафталик дам олишдан кейин иш столим устида бошқа рўзномаю ойномалар билан бирга яна «Правда» пайдо бўлди. Йўқотган нарсамни топгандай ҳаяжон билан уни қўлга оламан. Рўзноманинг номига, унинг тўғрисидаги маълумотларга, ундаги рукун ва сарлавҳаларга мақола ва расмлар остидаги имзоларга қайта-қайта разм соламан, таниш фамилияларни излайман. Ҳа, ўша миллионларнинг севимли ахборот манбаи ва маслаҳатгўйига айланган, камина 40 йилдан буён кунда ўқиб келаётганим қадрли рўзнома. Айни пайтда наздимда олдинги сонларига кўп жиҳатлардан ўхшамайдиган янги газета, бошқатдан туғилган «Правда». Бунга уни ҳаёт, кейинги драматик воқеалар мажбур этди, албатта.

Рўзноманинг узоқ тарихида кейинги «танаффус» тўққизинчиси бўлибди. Шундан олдинги саккизтаси 1917 йил октябригача рўй берган экан. Ҳақгўй, адолатпарвар, халқпарвар инқилобий матбуот нашри ҳокимларга ёқмагани учун мусодара қилинди, ёпилди, таъқиб этилди. Бу тушунарлидир. Лекин бу йилги август воқеаларида ижобий роль ўйнаган демократларнинг раҳбари, Россия Президенти Б. Н. Ельцин томонидан қатор оммавий ахборот воситаларининг фаолияти тўхтатиб қўйилгани ва уларнинг моддий базасига зарба берилганлигини қандай тушуниш керак?

Ушбу ноқонуний қарорларни фақат таҳририят ходимлари, журналистлар ва муштарийларгина эмас, балки чет эллардаги кўпгина кишилар ҳам қоралаб чиқди. Халқаро журналистлар ташкилоти президенти Арманду Ролленберг рўзномаларни «тепадан туриб» тақиқлаш демократия ва қонунга хилоф эканлигини таъкидлади.

Мен «Правда» раҳбариятининг фитна кунларидаги позициясини, ГКЧПнинг ғайриконституциявий фаолиятига биринчи дақиқалардан бошлаб қарши чиқмаганлигини оқламоқчи эмасман. Лекин КПСС Марказий Комитетининг нашри, ҳар бир қадамини унинг кўрсатмалари ва назорати остида қўйишга мажбур бўлган рўзнома ходимлари мустақил бирон иш қила олармиди? Ошкоралик ва эркинлик вазиятида ҳам унга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра таҳририят таъсис этувчининг измидан чиқиш имкониятидан маҳрум эди. Рўзноманинг кейинги йилларда кўпгина муштарийларини йўқотиш сабабларидан бири ҳам шу эди-да.

Мен афсусланадиган нарса шуки, рўзнома бошига қора кунлар тушган даврда партия Марказий Комитетининг собиқ Бош котиби ва мамлакат Президенти ёки унга бевосита «раҳнамолик» қилган А. С. Дзасохов ва П. К. Лучинский каби котиблар уни очиқ ҳимоя қилмадилар, ўз ҳолига ташлаб қўйдилар.

Яхшиям «Правда»нинг меҳнат жамоаси ташаббусни ўз қўлига олди, рўзноманинг муассиси бўлди. Кўп сонли дўстлар қўмагига таяниб журналистлар асосий қийинчиликларни енгиб чиқдилар. Янгиланган эркин ва мустақил «Правда» хонадонларга кириб келди.

Бўлиб ўтган воқеалардан «Правда» ходимлари ҳам, биз муштарийлар ҳам сабоқлар олишимиз даркор. Журналистлар «Правда»нинг исми жисмига монанд, мустақил республикалар ҳаётини холисона, теран акс эттиришга, меҳнаткашларнинг манфаатлари демократиянинг тантанаси учун толмас курашчи бўлишига интилсалар, биз эса унинг хайрли ишларида ҳам, қийин аҳволга тушиб қолган пайтларда ҳам уни қўллаб-қувватлашимиз, ҳимоя қилишимиз зарур. Яна бир истагим «Правда» мустақил Ўзбекистонда содир бўлаётган воқеаларни тўла ва холисона ёритиши, қора кузойнак остидан кузатиш усулидан воз кечиши, айни муддао бўлур эди.

Ўрни келганидан фойдаланиб, «Правда»нинг ўзбекистонлик мухлисларига ўз севимли рўзномаларига тезроқ обуна бўлишларини даъват этаман. Зеро, қийин кунда унга ёрдам бериш ҳар биримизнинг вазифамиздир.

Собир ҚУРБОНОВ,
СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси.

СПОРТ

ПЕШҚАДАМЛАР МАВҚЕИ

● ОЛИЙ ЛИГА жамоалари ўртасида ўтказилган 25-тур ўйинлари якунланди.

Пойтахт темирйўлчилари билан спартакчилари учрашувида дарвозага жавобсиз иккита тўп киритилди. Ғалабага эришган «Спартак» 36 очко тўплаб, биринчи ўриндаги мавқеини мустаҳкамлади. Спартакчилар ҳисобидаги ғалабалар 15 тага етди. Пойтахт армиячилари ҳам бўш келишмаяпти. Улар ҳисобидаги ғалабалар 13 та бўлиб, 35 та очко билан иккинчи ўринни эгаллаб туришибди. Торпедочилар 11 марта ғалаба қилишди. Бу жамоа 31 очко билан учинчи ўринда бормоқда. Чемпионатнинг совринли ўринларига даъвогарлик қилаётган ана шу уч жамоа пешқадамликни қўлдан бермасликка астойдил интилмоқда. Зеро, уларнинг қайси бири чемпион бўлишини вақт кўрсатади.

Олий лига билан хайрлашиш хавфида турган учта жамоанинг мавқеи табора бўшашаётгани мухлисларни қаттиқ ранжитмоқда. Владикавказ спартакчилари 18 та очко билан охиридан учинчи бўлиб туришган бўлса, 17 тадан очко тўплаган «Пахтакор» билан «Локомотив» жамоалари ўнгланолмай қийин аҳволда туришибди. Пахтакорчиларнинг қолган беш учрашувда мавқеларини яхшилаб оладилар, дейишга умид қолмаяпти. Албатта, футболчиларимиз кейинги учта ўйинни ўз майдонларида ўтказадилар. Кетма-кет ана шу учрашувларда имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш ўнгланиб олишга йўл очса, ажабмас. Чунончи «Арарат», «Шахтёр» ва «Спартак» (М) жамоалари билан ўтказиладиган ўйинда қанчалик маҳорат ва кўтаринкилик ҳукмрон бўлса натижаси ҳам шунга яраша бўлади. Футболчиларимиз чемпионатнинг якунловчи ўйинларини сафарда «Черноморец» ва «Днепр» майдонларида ўтказадилар.

МАЙДОН ЭГАЛАРИ ЗАФАРИ

● ШАРҚИЙ МИНТАҚА футбол жамоалари ўртасида куч синашаётган Ўзбекистон футболчилари иккинчи лиганн тарк этмаслик йўлида уринишмоқда.

Навбатдаги учрашувларда жамоаларимиз асосан ўзаро куч синаштилар. Жумладан «Автомобилист» — «Нурафшон» ўйинида 3:1 ҳисоби қайд этилган бўлса, «Сўғдиёна» футболчилари сурхончиларни 2:0 ҳисобида енгишди. «Косонсойчи» — «Вахш» ўйинида 4:1 ҳисоби қайд этилди. Ўзбекистон футбол жамоалари орасида «Нурафшон» 32 очко билан еттинчи ўринни эгаллаб турибди. Қолган жамоалар ўйинлар жадвалининг қуйи поғоналарда боришмоқда. Бу эса мухлисларда ташвиш уйготмоқда. Ўйинлар жадвалини эса «Океан», «Олга» ва «Копетдоғ» футболчилари бошқаришмоқда.



● СОВЕТОБОД шаҳридаги чарм-атторлик буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасида йилига 32,8 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб берилмоқда. 31 хилдаги маҳсулотларни бежирим ва сифатли бўлишида қариб 1200 кишининг меҳнати сингмоқда. Ишчиларнинг асосий қисми ёшлардан иборат. Гулзора Оқболаева ҳам бирлашманинг атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехининг илғорларидан саналади.

Суратқаш: Т. ҲАМРОҚУЛОВ.

СУРАТ-АХБОРОТ

● ҚАШҚАДАРЁ вилоятида биринчи нашриёт ташкил этилди. Вилоят ижроия комитети ҳузурида ташкил этилган бу нашриётга «Насаф» номи берилди. Келаси йилдан нашриётда 10 номдаги китобларни чоп этиш мўлжалланмоқда. Янги асарларнинг қўлёзмалари ҳозирданоқ тайёрлаб қўйилмоқда. Суратда янги нашриётнинг бош муҳаррири Чори Аваз (ўнгда) билан рассом Нурмон Бердиевларнинг иш пайтдаги ҳолати тасвирланган.

Суратқаш: Ш. ШАРОПОВ (ЎзТАГ).



● Хайрли ишлар

МУРУВВАТ

Тошкент яқинида жойлашган Зангиота қишлоғида истиқомат қилувчилар фозил инсонлардан бири Музаффархўжа исмини ҳурмат билан тилга олишади. У ўз замонасининг саводли кишиларидан бўлиб, эски ўзбек ёзувидан ёшларга сабоқ берган. Унинг шу ҳунари 30-йилларда тазйиққа олинишига сабаб бўлди. Бунга чидолмаган Музаффархўжа ўғлини олиб, Афғонистонга жўнашга мажбур бўлади.

Музаффархўжанинг бу ерда онаси билан қолган ўғли Заҳириддин йиллар ўтиб, афғон юртидаги жигаргўшаси Фахриддин билан алоқа боғлашга имкон топади. Маълум бўлишича, Фахриддиннинг Қобулда хусусий фабрикаси бўлиб, асосан тижорат ишлари билан шуғулланар экан. Ака-укалар бамаслаҳат савобли ишга қўл уришди. Оталари хотира-ҳурматини ўрнига қўйиш важидан маҳалла оқсоқоллари билан кенгашиб, мачит қуришни ўйлашди. Зангиотада бошланган ишлар зудлик билан ниҳоясига етказилиб, одамлар кўз ўнгида ажойиб бунёдкорлик юзага келди. Бу ишга Фахриддин 50 минг сўмдан кўпроқ маблағ инъом этди. Мачитга оталари Музаффархўжанинг қутлуғ номини беришга жамоатчилик рози бўлди. Савобга савоб уланиб, бу ерда «Маърифат» ширкати ҳам фаолият кўрсата бошлади. Ёшлар эски ўзбек ёзуви бўйича таҳсил олишмоқда.

Ҳамид АХРОРҚУЛ ўғли.

ИШНИ ҚИЛГАН КАРНАЙЧИ...

Судьянинг асосий вазифаси адолат тарозусини ўртага қўйиб, жиноятчиларнинг айбларини виждон кўзи билан шайнга қараб аниқлашдан ҳамда гуноҳкорларга нисбатан холисанилло чора кўришдан иборатдир. Аммо Сиёб районининг халқ ҳаками Аҳмад Ҳусанов бунга амал қилмади. У Улуғ Ватан уруши ногирони, бегуноҳ Абдумалик Очиловни қотилликда айблаб, залда ўтиргганларнинг ғазабини қўзғатиб юборди. Ҳатто, марҳумнинг ўғил-қизлари «Ҳақиқий қотил нега тилга олинмади?» «Нега у тергов қилинмади?» дея бақиришди. Залда тўс-тўполон бошланди.

Аслида воқеа шундай бўлганди: қоп ичида жуволдиз бор, деганларидек, қўшнилар орасида ҳам ҳап сенними, деб пайт пойлаб юрадиган бўлар экан. 1989 йилнинг олтинчи августида Мамади Баратов ён қўшниси Абдумалик Очиловни қўярда-қўймай қудасиннинг тўйига таклиф этади. Улар кўчада кетатуриб учинчи қўшни — Боли Суюновни кўриб қолишади, ундан биргаликда тўйга боришни илтимос қилишади. Болининг кўпдан бери кутиб юрган режаси амалга оша бошлайди. У ўша заҳотиёқ икки қарияни зўрлаб уйига таклиф этади.

— Тўйга ҳали жуда эрта, сизлар билан бирга, албатта, бораман, — деб қўшниларига дастурхон ёзиб, уларга ароқ ичиришни мўлжалга олади. Чойнакда келтирилган ароқдан кичик пиёлаларга қуя бошлайди.

— Мен ичмайман, қон босимим бор! — деди Абдумалик Очилов.

— Мен ҳам анчадан бери ичмай қўйганман, — дея ўз мақсадини айтди Мамади Баратов.

Нима бўлса ҳам ичириш мақсадида мезбон ялборишга ўтди:

— Эллик грамм, минг дардга даво! Йўқ демайсизлар!

Қўшнининг сазаси ўлмасин, деган ўйда қариялар ароқдан хўплаган бўладилар. Кейин дастурхонга фотиҳа ўқиб, йўлга чиқдилар.

— Йўл-йўлакай Боли ўзининг ниятини амалга ошириш ўйида қарияларни маст қилиш режасини ахтариб боради. Охири ўзи ишлайдиган автокорхона яқинидаги ошхона рўбарўсига келишганида пешонасига уриб, қарияларга юзланади:

— Ёдимдан кўтарилибди, бугун ўғлим Ихтиёржоннинг туғилган куни эди. Энди бир ўтиришмасак, кўнглим хижил бўлиб юраман. Тўй кечқурунку, борамизда, икки сихдан кабоб буюрай, қани ошхонага марҳамат, бугун бир учрашиб қолибмиз, деди Боли.

Қўшничилик андишасига бориб, қариялар ноилож ошхонага бурилишди. Боли уларни холироқ жойга ўтқазиб, кабоб буюрди, кейин бир шиша ароқ топиб келди.

— Боли, кабобхўрлик қиламиз, аммо манавингни ичмаймиз! — дейди қариялар ёлборишиб.

— Қизиқ экансизлар, кўп эмас элликтадан иримига ичамиз-да, — дея Боли шишани очиб қуяверди.

— Абдумаликнинг қон босими бор, уни тинч қўй, — деди Мамади қўшниси Болига. Унинг бу гапи Болига сариёғдек ёқиб кетди.

Фельетон ўрнида

— Бўлмаса қадрдонингиз учун ҳам ўзингиз оласиз.

— Анчадан бери буни оғзимга олмаётгандим, ҳа, майли, дўстинг учун захар ют, деганлар.

Шундан кейин Ихтиёржоннинг соғлиғи ва узоқ умр кўриши учун Мамади билан Боли икки-уч қадаҳни кўтаришди. Абдумалик ота эса қон босими ғалаён қилганидан бошини ўнг қўлига тираб, мизғиётгандек ўтирарди. Мамадининг маст бўлишини тоқатсизлик билан кутаётган Боли қуёшнинг тезроқ ботишини ҳам истарди. Охири юринг, биз хизмат қилаётган автохўжаликнинг ҳовлисини кўрасиз, ёзилиб келасиз» деган таклиф билан Болининг қўлтиғидан кўтариб, етаклаб кетди. Абдумалик Очилов эса ўзини ёмон ҳис этганидан автохўжалик қоровули хонасидаги каравотга чўзилди.

Тун қора пардасини ёяётганидан фойдаланиб ўзининг шум ниятини амалга оширмоқчи бўлган Боли Мамадини ҳеч ким йўқ бир чеккага судраб борди-да, бирдан тўнини тескари кийиб, уни сансираб юрагидаги заҳрини соча бошлади:

— Хўш, мен мўмай ғиштни сотаётганимда милицияга хабар берганинг, қаматганинг эсингдами?!

— Қўй, мен отанг тенгиман, сансирама. Шубҳанг ноўрин, мен хабар бермаганман. Ким хабар берганини аввал билиб ол.

— Билиб олганман! — дея Мамадини зарб билан уриб ерга йиқитди...

Ғира-шира қоронғуда уларнинг уришаётганини кўрган қоровул бола каравотда ётган Абдумалик отани туртиб, бидирлай кетди:

— Аннави шерикларингиз бир-бирини бўғяпти, тезроқ боринг!

Жон ҳолатда ўрнидан туриб, жанг бўлаётган жойга етиб борган Абдумалик отанинг бошига бир мушт келиб тегади, у беҳуш йиқилади.

Энди воқеанинг буёғини эшитинг: касалхонадан соғайиб чиққач Абдумалик отанинг олдига терговчи Эркин Бегимов келади, унга ҳеч нарса ёзилмаган оқ қоғозни тутиб дейди: «Манави ерга имзо чекинг, отахон. Сиз айтган гапларни шу қоғозга ёзиб, судга ишни оширамиз, барибир ўзингиз ёзиб беролмайсиз».

Терговчининг алдовига учган ногирон қария қоғозга имзо чекади. Аммо суд йиғилишида ўзи имзо чеккан оқ қоғоздаги қора гапларни эшитиб, қария тутаб кетади. Тергов саволжавобларида Боли Суюновнинг исми-шарифи тилга олинмаган. Фақат икки қария ичишиб, қотиллик юз бергани ёзилган эди. Ана шу хил чалкашликлар туфайли биринчи суд йиғилиши ишни қайта терговга қайтаради. Иккинчи суд йиғилишида ҳам терговчи яна эскича иш тутгани учун иш терговга қайтарилади. Бироқ Аҳмад Ҳусанов раислик қилган учинчи суд йиғилишида яна ўша тергов иши кўрилиб ҳукм чиқарилади. Яъни Улуғ Ватан уруши ногирони Абдумалик Очилов қотилликда айбланади. Ҳукумдан қатъий норози бўлган жабрдийда томонлар: «Айбдор қолиб, бегуноҳ қарияни қамоққа тиқдингми?!» деб ғавғо кўтаришди.

Ишни қилган карнайчи, балога қолган сурнайчи тақлидида бўлиб ўтган бу суд ишидан кўпчилик норози бўлиб юрибди.

Ш. МАРДИЕВ,
О. ҚУЧҚОРБЕКОВ.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ БИРИНЧИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

ёшларни олий ўқув юртларига киришга тайёрловчи

КЕЧКИ ПУЛЛИ ТАЙЁРЛОВ ҚУРСЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА ЎРТА МАКТАБНИ БИТИРГАНЛАР ҲАМДА 11-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида қуйидаги фанлар бўйича олиб борилади: КИМЁ, БИОЛОГИЯ, ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ.

МАШҒУЛОТЛАР 1 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ 8 ОЙ ДАВОМ ЭТАДИ.

Машғулотларни олий ўқув юртига қадар тайёрлаш ва касбга йўналтириш факультетининг етакчи ўқитувчилари олиб боради.

Тайёрлов курсини битириб чиққанлар умумий асосда кириш имтиҳонларини топширадилар ва олий билимгоҳга қабул қилишда имтиёзга эга бўлмайдилар.

Қабул учун қуйидаги ҳужжатлар керак: ректор номига ариза, аттестат ёки дипломнинг нусхаси (ўрта маълумотлилар учун), мактабдан маълумотнома (11-синф ўқувчилари учун), турар жойдан маълумотнома, 2 та фотосурат 3х4 см.

Ҳужжатлар 1-ТошДавТИ қошидаги Олий ўқув юртига қадар тайёрлаш ва касбга йўналтириш факультетнинг биносида (3-корпус) **қабул қилинмоқда.**

Мурожаат учун манзилгоҳ: 700047, Тошкент шаҳри, Ҳамза кўчаси, 103-уй. Телефон: 67-74-92.

НОГИРОНЛАР-АМПУТАНТЛАР ЎРТАСИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА

«ЖАҲОН КУБОГИ—91» МУСОБАҚАЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Бундай мусобақа Совет Иттифоқида биринчи марта ўтказилмоқда. Жаҳон кубоги ўйинларини ўтказиш учун Ўзбекистон пойтахти — Тошкент шаҳри танлаб олингани бежиз эмас.

БУ ЕРДА 11 ОКТЯБРДАН 20 ОКТЯБРГАЧА «Жаҳон кубоги — 91» ўйинлари ўтказилади

Ўтган йили АҚШда бу фаҳрий кубокни қўлга киритган Тошкентнинг «Матонат» спорт-соғломлаштириш клуби командаси ана шу турнирни ўтказиш ташаббускори ва ташкилотчиси бўлиб майдонга чиқди.

Тошкентда СССР, АҚШ, Англия, Бразилия, Норвегия, Гватемала, Германия, Канада, Сальвадор Чехословакиянинг миллий терма командалари тўпланади.

«Жаҳон кубоги —91» ўйинларини ўтказиш — бу оддий спорт тадбири эмас. У инсонпарварлик ва меҳр-шафқат, бахтсизликка учраган кишиларга нисбатан меҳр-оқибатдан далолатдир.

Халқаро турнирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш катта маблағни талаб этади. Хўжалик ҳисобидаги «Содружество» ташаббускорлар маркази ва «Сарбон» Ўзбекистон реклама агентлиги ногиронлар ампутантлар ўртасида футбол бўйича «Жаҳон кубоги-91» ўйинларини ўтказиш учун ҳайрия фондини таъсис этдилар.

Биз Сизларни ногиронларга меҳр-шафқат ва меҳрибонлик катта байрамининг ҳомийси бўлишга таклиф этамиз, чунки меҳр-оқибатлилик ҳамма вақт халқимизнинг яхши анъанаси бўлиб келган.

Кўмак беришга ажратилган маблағларни Тошкент шаҳар Фрунзе район агросаноат банкидаги 000700485 ҳисоб счётига, «Матонат» ногиронлар спорт клубининг «Жасур-Сарбон» ҳайрия фонди реквизити МФО 734202 га ўтказишларингизни сўраймиз.

«СОЮЗРЕКЛАМА» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ

МЕҲР-ШАФҚАТ БАЖО КЕЛТИРИШГА ШОШИЛИНГ!

САРБОН

ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ

СССР ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИ

ЎЗ ВАҚТИНИ ҚАДРЛАЙДИГАНЛАР УЧУН:

Ўзбекистон Республика Жамғарма банки

якка тартибда ва узоқ муддатли топшириққа кўра уй, газ, электр энергияси, телефон, болалар муассасасига, коммунал ва бошқа хизматларга тўлаш учун нақд пулсиз жамғармангиз ҳисобидан олиш йўли билан

ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШНИ АМАЛГА ОШИРАДИ

Топшириш варақаларини расмийлаштириш учун бланкаларни Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банкининг истаган бўлимидан олишингиз мумкин.

нақд пулсиз ҳисоб-китоб замонавий кишининг иш услубидир!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ЖАМҒАРМА БАНКИ «Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ «МАЪРИФАТ» ЎҚУВ-ЎҚИТИШ ДОРИЛФУНУНИ

юқори ҳақ тўлаш тартибида меҳнат шартномаси бўйича ўзбек тилида иш юритиш, ўзбек, инглиз тиллари ҳамда Шарқ ва жаҳон тилларини ўрганиш курсларида ишлаш учун филолог ўқитувчилар ва тилшунос ўқитувчиларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Шунингдек, доимий ишга икки тилда (рус ва ўзбек) ёза оладиган котиба-машинистка керак.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, Ц-1, 9-уй.

Телефонлар: 32-11-31, 33-61-25.

Республика гастроль концертлар бирлашмаси ва «Ханда» ижодий маркази ходимлари «Ханда» ижодий марказининг бошлиғи Ш. Т. Ғозиевга отаси

Тошқўзи ҒОЗИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон матбуоти» ойномаси таҳририяти Ўзбек совет матбуотининг фидойиларидан бири, журналистика фахрийси, СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси

Малик НАВРУЗОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига ва қавм-қариндошларига таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-36-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика— 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35,32-53-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12 Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» («ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5984.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 21.20.

№ 177.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12